



## ОТЛАРДА ТУЁҚНИНГ РЕВМАТИК ЯЛЛИҒЛАНИШИНИ ЭТИОЛОГИЯСИ, ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ДАВОЛАШ

Джаббарова Дилноза Хасилбековна

докторант Сам.СВМЧБУ ТФ,

Шоназаров Миржалол Шокир ўғли

магистр Сам.СВМЧБУ ТФ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20606899>

### ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 04-iyun 2026 yil

Ma'qullandi: 06-iyun 2026 yil

Nashr qilindi: 09-iyun 2026 yil

### KEYWORDS

*спорт ва хизмат отлар,  
отлар, туёқнинг ревматик  
касалликлари, клиник  
белгилар, ўткир диффузли  
пододерматит, комплекс  
даволаш, профилактика.*

### ABSTRACT

*Ушбу мақолада спорт ва ишчи отлар орасида кенг туёларнинг ревматик яллиғланиши, уларнинг этиологияси, диагностикаси ва даволаш, бартараф қилиш чора-тадбирлари бўйича адабиёт таҳлили асосида маълумотлар келтирилган.*

**Мавзунинг долзарблиги.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 июндаги ПҚ-3057-сон «Ўзбекистон Республикаси йилқичилик ва от спортини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 февралдаги ПҚ-4194-сон «Ўзбекистон Республикасида йилқичилик ва от спортини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 мартдаги ПҚ-5024-сон «Йилқичилик ва от спортини янада ривожлантириш ҳамда замонавий бешкураш ва поло спорт турларини оммалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 августдаги ПҚ-5211-сон «Ўзбекистонда йилқичилик, от спорти, замонавий бешкураш ва полони 2025 йилгача ривожлантириш давлат дастури тўғрисида»ги қарорлари мамлакатимизда йилқичилик, от спортини ривожлантириш билан бир қаторда отларга кўрсатиладиган ветеринария хизматини яхшилаш, отларни турли хил касалликлардан асрашнинг янгича замонавий ёндашувини тақозо этади.

Охирги йилларда дунёнинг аксарият мамлакатларида ҳайвонлар орасида юқумсиз касалликларнинг асосий қисмини хирургик патология ташкил этиб, жумладан оёқ касалликлари оқибатида муддатидан олдин ҳисобдан чиқариладиган ҳайвонлар улуши 4,0-15,3 фоизни ташкил этмоқда [1,5]. Шу боисдан, республикамизнинг минтақавий шароитларини инобатга олиб, отларнинг туёқларнинг ревматик касалликларининг учраш даражаси, касалланган ҳайвонлар организмида кечадиган морфологик ва биокимёвий ўзгаришларни таҳлил қилиш, касалликларга эрта ташхис қўйиш,

этиопатогенезини аниқлаш, даволаш ва олдини олишнинг самарали услуб ва воситаларини ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштириш мақсадида олиб борилаётган тадқиқотлар долзарб бўлиб ҳисобланади.

**Олинган натижалар таҳлили.** Туёқарнинг ревматик яллиғланиши (pododermatit reumatica) - асосан туёқнинг олдинги ярмида туёқ тери асосининг сўрғичлари ва қон томир қатламларининг диффуз, асосан асептик яллиғланиши ҳисобланади [1,3,5]. Касаллик ўткир ва сурункали шаклда бўлиши мумкин ва туёқ суягининг силжиши ва туёқ шох капсуланинг деформацияси билан кузатилади. Одатда касаллик отларнинг иккала олд оёқларида ҳам, баъзида тўрттаси, камдан-кам ҳолларда битта оёқ касаллиниши мумкин [4].

Отларда туёқнинг ревматик яллиғланиши каби касалликлар жуда кўп учрайдиган касалликлар ҳисобланиб, бирламчи ва иккиламчи касаллик сифатида юзага келади. Кўпгина ҳолатларда бу касаллик ривожланиб, салбий оқибатларга олиб келади ёки ўта оғир жиддий асоратларни юзага келишига асос бўлиб хизмат қилади. Шу сабабли ҳам ушбу касалликни ўз вақтида олдини олиш ва даволаш жуда муҳимдир [2,6].

Касалликни келиб чиқишида фаслларда ташқи ҳароратнинг кескин ўзгариши ва озиклантириш режимининг бузилиши, отларнинг балоғат ёшига етиш даврида организмда кечадиган диффуз асептик пододерматитнинг бошланишига ёрдам берадиган метаболик жараёнлар, кўпинча отларнинг 4-10 ёшида содир бўлади, шундан бияларнинг 4-6 ёшида, айғирлар эса 7-9 ёшида касал бўлиш мумкин, отлар тана вазнининг хаддан ташқари ортиб кетиши натижасида оёқ ва туёқлар деформацияланиши, туёқлар тузилишидаги нуқсонларнинг мавжудлиги ва туёқ шаклининг ўзгариши, туёқларни кесиш ва парваришлашдаги йўл қўйиладиган хатолар натижаси каби омиллар муҳим роль ўйнайди. Аммо касалликнинг келиб чиқишида асосий этиологик омил сифатида отлар организмда юзага келадиган кислота-ишқор балансининг бузилиши, қоннинг қуюқлашишига олиб келадиган кардиоваскуляр, буйрак ва эндокрин патологиялар тан олинади. Ушбу патологиялар асосан кимё-токсикологик ва механико-травматик факторлар таъсирида юзага келади. Кимё-токсикологик ўзгаришлар асосан отларни қийин ҳазмланадиган оқсил ва углеводларга бой озиқалар билан боқиш, балансланмаган рацион, озиқа алмашинувига мослашмаслик ва пишмаган донли озиқаларни бериш натижасида келиб чиқади. Организмнинг сенсibiliзацияси ва гистамин таъсири бу яллиғланиш жараёнининг ривожланишида катта аҳамиятга эга [8,9]. Шунингдек, отларни ифлосланган ва совуқ сув билан суғориш, чарчаган ва машқдан кейин терлаган отларни дархол донли озиқалар, етилмаган беда билан озиклантириш, чириган ва моғорлаган озиқлар бериш ҳам қолиқлар асорати сифатида туёқларнинг ревматик яллиғланишига олиб келади. Механик ва травматик омиллар таъсирида отларни хаддан ташқари кўп ишлатиш натижасида туёқ қон томирлари ва капиллярлари гиперемияси юзага келади ва натижада томирлар ўтказувчанлиги ортиб, қоннинг зардоб қисми туёқ ичига сизиб чиқишидан ички босимнинг ортишига олиб келади. Бу эса касалликнинг бошланишига сабаб бўлади [7].

Касалликнинг келиб чиқишига отларнинг тана ҳароратининг ортиши билан кечадиган инфекциялар касалликлар (грипп, контагиоз плевропневмония, қочирув касаллиги, манқа ва бошқалар) билан касаллиниши, қийин туғруқ жараёнининг

асоратлари ҳам сабаб бўлади [10].

**Касалликнинг клиник белгилари.** Касалликнинг ўткир кечишида дастлабки 12-36 соат давомида тана ҳароратининг 40°C гача кўтарилиши, нафас олишнинг тезлашиши, юрак фаолиятининг бузилиши, мускулларнинг қалтираши, шиллиқ пардалар гиперемияси ва кейинчалик тана ҳароратининг пасайиши кузатилади.

Асосий клиник белгиси таянч оқсоқланиш, агар ҳар икка олдинги оёқ касалланган бўлса, касал от олдинги оёқларини олдинга, орқа оёқларини эса тананинг остига қўяди (1-расм). Агар ҳар икки орқа оёқ касалланса, олд оёқлари ҳам кўкрак остига қўйилиб отининг боши пастга эгилган бўлади.

Бу оқсаш туёқларда кучли оғриқ таъсирида бўлиб, агар туёқлар махсус синов қисқичлари билан босилганда оғриқ янада ортишини кўриш мумкин. Бунда туёқларда маҳаллий ҳароратнинг ортиши ва пульсациянинг кучайиши кузатилади.

Касалликнинг ўткир кечиши қулай шароит яратилиб, тўлиқ даволанса, 8-10 кунда от тузалади. Агар касаллик ўз вақтида даволанмаса касаллик сурункали шаклига ўтади. Бунда туёқда морфофункционал ўзгаришлар содир бўлади (2-расм)

**Ташхис.** Касалликка ташхис клиник белгиларга асосланиб қўйилади.

**Даволаш.** Касалликнинг ўткир кечишида ташхис асослангач, ҳайвон қалин ва юмшоқ тўшамали жойга ўтказилиб, дастлаб туёқларга совуқ боғлам қўйилади ёки 12 соат оқар сувга ушлаб турилади. Интоксикацияни олдини олиш учун қондаги токсинлар концентрациясини камайтириш учун қон чиқарилади (катта отларда 8-9 л гача). Антигистамин препаратлар – димедрол 0.3-0.4 г тери остига, 0,25% ли новокаин қон томирига 1мл/кг миқдорида юборилади. Ҳайвон ҳаракати чегараланиб, тинч жойда сақланади. Шунингдек, кальций глюконат, натрий гидрокарбонат, сийдик ҳайдовчи дорилар –лазекс, уротропин, фурасемид инъекция қилинади. Гирокортизон, дексаметозон гармонлари ва фенилбутазон ҳам яхши самара беради. Отлар рационидан ем ва дағал ҳашак чиқариб ташланади. Сув бериш чекланади. Организмда натрий ва калий мувозанатини сақлаш учун рационга калий хлорид кунига 30 г миқдорида бериб борилади. Туёқ деворини мустаҳкамлаш учун рационга метионин, биотин ва руҳ қўшиб мунтазам бериб борилади.

Касалликни олдини олиш учун юқорида сабаб қилиб келтирилган омилларни ўз вақтида бартараф этиш лозим.

**Хулоса.**

1. Отларда ревматик яллиғланиш диагностикасида замонавий тасвирий ва лаборатор усуллар юқори самарадорликка эга бўлса-да, уларни комплекс қўллаш диагностика аниқликни янада оширади.

2. Туёқларнинг ревматик яллиғланиши отлар орасида тарқалган касалк бўлиб, уларнинг эрта ҳисобдан чиқиши, ишчи қобилиятининг йўқотиши ва хўжаликларнинг иқтисодий зарар кўришига олиб келади.

3. Биологик ва регенератив терапиялар истиқболли йўналиш ҳисобланади, бироқ уларнинг стандартлашмаганлиги клиник амалиётда чекловларни юзага келтиради.

4. Касалликнинг келиб чиқишига ҳайвонларни сақлаш ва озиқлантириш талабларининг бузилиши, нотўғри эксплуатация қилиш ва турли касалликлар оқибати сабаб бўлиши мумкин.

5. Касалликни ўз вақтида аниқлаш ва даволаш бўйича белгиланган чоратadbирларини олиб бориш касалликнинг ўткир формасида 8-10 кунда соғайишига эришиш мумкин, акс холда касаллик сурункали шаклга тиб, туёқларинг морфофункционал ўзгаришларига сабаб бўлади.

Ревматик яллиғланиш касалликларини аниқлаш ва даволашда энг самарали минимал инвазив усул бўлиб, уни Ўзбекистон ветеринария амалиётига кенг жорий этиш долзарб ҳисобланади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Goodrich L.R., Nixon A.J. Medical treatment of osteoarthritis in the horse // Veterinary Clinics of North America: Equine Practice.- 2006.- Vol. 22(2).- P. 415-434. DOI: 10.1016/j.cveq.2006.03.001
2. Denoix J.M. Ultrasonographic examination in sport horses // Equine Veterinary Education.- 2014.- Vol. 26(3).- P. 142-153. DOI: 10.1111/eve.12106
3. Fortier L.A. Platelet-rich plasma (PRP) in equine medicine // Veterinary Clinics of North America: Equine Practice.- 2011.- Vol. 27(2).- P. 301-315. DOI: 10.1016/j.cveq.2011.05.001
4. А. А. Стекольников, Б. С. Семенов, В. А. Молоканов, Э. И. Веремей Ветеринарная ортопедия : учебник для вузов / . — 2-е изд., испр. и доп. — Москва : Издательство Юрайт, 2017. — 309 с.
5. Борисевич, В. Б. Особенности течения ламинита у лошадей и крупного рогатого скота / В. Б. Борисевич, Б. В. Борисевич, Н. М. Хомин // Ветеринария. – 2001. - №7 – С. 40-42.
6. Веремей, Э. И. Клиническая ортопедия и ковка лошадей: учебное пособие / Э.И.Веремей. - СПб.: Квадро, - 2015. – 268 с.
7. Исабеков, С. Диагностика болезней сухожилий с применением ультразвукового исследования /С. Исабеков, К. Орынханов// Первый Евразийский ветеринарный конгресс. – 2007. – С. 86-89.
8. Ковач, М. Ортопедические заболевания лошадей. Современные методы диагностики и лечения / М. Ковач. – М.: ООО Королевский издательский дом, 2013. – 624 с.
9. Куртис, С. Дж. Ортопедическая хирургическая ковка. Восстановление стенки копыта и ковка при возникновении пальмарной боли / С. Дж. Куртис // Современная ветеринарная медицина. – 2010. - №4. – С. 30-35.
10. Руколь, В. Уход за копытцами – жизненная необходимость / В. Руколь // Животноводство России. – 2016. - №1. – С. 37-39.
11. Штрассер, Х. Навикулярный синдром – успешное лечение у лошадей / Х. Штрассер // Ветеринария сельскохозяйственных животных. – 2010. - №9. – С. 36- 47.
12. Lessiter, F. Manipulating foot function / F. Lessiter // American farriers journal. – 2013 – №1 – p. 81-82.
13. Sermersheim, S. Hoof Cracks: Types and Treatment [Электронный ресурс] / S. Sermersheim // www.thehorse.com. – 2016. Режим доступа: <http://www.thehorse.com/articles/33026/hoof-cracks-types-and-treatment>
14. Turner, T.A. Equine Developmental Orthopedic Disease [Электронный ресурс] / T.A. Turner // www.equipodiatry.com. - Режим доступа: <http://www.equipodiatry.com/dod.htm>

15. Yulchiyev.J, Djabbarova.D. ETIOLOGY, PREVENTION AND TREATMENT OF RHEUMATIC INFLAMMATION HOOF IN HORSE //- [Shttps://saarj.com/wp-content/uploads/paper/ACADEMICIA/2021/FULL-PDF/](https://saarj.com/wp-content/uploads/paper/ACADEMICIA/2021/FULL-PDF/)
16. Djabbarova.D. MODERN DIAGNOSIS AND TREATMENT OF FETLOCK AND CARPAL JOINT SYNOVITIS IN SPORT AND WORKING HORSES (LITERATURE REVIEW//- International Conference on Artificial Intelligence and Applications (ICAIA) // <https://worldsciencepub.com/index.php/icaia>.
17. J.B.Yulchiyev, M.E. G'oyipova, D.Kh. Djabbarova // CAUSES, CLINICAL SYMPTOMS AND TREATMENT OF RHEEMATIC INFLAMMATION IN HORSES // Ученый XXI века • 2021 • № 10 (81)
18. Djabbarova, D., Djumayeva, M. // TREATMENT OF LAMINITIS IN SPORT HORSES AND PREVENTION. // INTERNATIONAL CONFERENCE ON SCIENCE, EDUCATION // Zenodo. <https://doi.org/10.5281/zenodo.17453088>

